



40  
(1358)-son  
5-oktabr  
2018

# Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### НАЗОРAT

Аҳолига берилган  
ваъдалар  
бажарилмоқда **3-бет**

### БИЗНЕС САБОҚЛАРИ

Alibaba асосчисининг  
ёшларга мурожаати  
**7-бет**

### ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Нукус ва Қўнғиротда  
давлат хизматлари  
қандай кўрсатил-  
моқда? **8-9-бетлар**

### 5G

Verizon дунёда  
биринчи бўлиб  
тижорий тармоқни  
ишлатишни бошлади  
**12-бет**

### МУТОЛАА

“Эски телефон”  
(Ҳиноя) **14-бет**

### МУШОҲАДА “Фейсбук”

ёдгорлиги **16-бет**

#### ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ


2018 йилнинг 1 октябригача  
кўрсатилган хизматлар сони  
**2 655 136та**

#### ЭНГ КУП КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР (ТОП-5)

1. Электрон рақамли имзо  
олиш — 872 226та
2. Болани МТМга расмий-  
лаштириш — 559 461та
3. Жамғариб бориладиган  
пенсия дафтарчаси олиш —  
231 756та
4. Жисмоний шахсларнинг  
СТИР олиши — 188 266та
5. Тадбиркорларни  
рўйхатга олиш — 187 973та.

Мана бу Давлат хизматлари агентлиги

## АКТ соҳаси: ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА МУҲИМ КЕЛИШУВЛАР ИМЗОЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 30 сентябр — 1 октябр кунлари давлат ташири билан Ҳиндистонда бўлиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиб, стратегик шерикликни янги bosқичга олиб чиқди.

Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан алоқалари янги ривожланиш bosқичига кўтарилади. АКТ соҳасида Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан бир қатор шартномалар имзоланди. Хусусан, технопаркларни ривожлантириш, АКТ учун кадрлар тайёрлаш, электрон ҳукуматни ривожлантириш, тинчлик мақсадларида космик тадқиқотлар ва бошқа соҳаларда қатор шартномалар имзоланди.

Ҳиндистоннинг технопаркларини ривожлантиришдаги катта тажрибасини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз мазкур давлатнинг етакчи технопарклари, жумладан, Ҳиндистоннинг STPI дастурий технологиялар парклари жамияти билан ҳамкорликда дастурий маҳсулотлар ва воситаларни ишлаб чиқариш учун замонавий платформаларни яратиш ва ривожлантиришдан манфаатдор.

2-бет▶

### ▶ ЯКУН

## АКТ ҲАФТАЛИГИНИНГ ҲАМКОРЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Газетанинг аввалги сонида хабар берганимиздек, ICTWEEK Uzbekistan-2018 ҳафталиги доирасида Тошкент шаҳрида ICTEXPO-2018 — Ахборот технологиялари йиллик кўргазмаси, DIGITAL UZBEKISTAN форуми, CYBERSECURITY AND DIGITAL TRANSFORMATION анжумани ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, Жиззах шаҳрида “Болалар учун ахборот технологиялари” акцияси, ICTEXPO 2018 минтақавий кўргазмаси ва 31 минтақавий форуми бўлиб ўтди. 29 сентябр кuni АКТ ҳафталиги ниҳоясида ICTWEEK Uzbekistan-2018 иштирокчиларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда ҳамкорлар ва ҳомий-

ларнинг иши ҳам қайд этилди. Кўргазмага ташири буюрувчилар ўртасида интерактив киосклар орқали ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра, қуйидаги компаниялар тўртта асосий номинациялар бўйича тақдирланди:

Ешлар танлови — UZTELECOM.

Энг яхши стенд дизайни — UMS.

Стенд ходимлари профессионализи — Тошкентдаги Инҳа университети


Энг инновацион стенд — Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ахборот хавфсизлиги маркази.

Шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари “АКТни давлат ва ҳўжалик бошқаруви орган-

ларида ривожлантиришдаги ютуқлари” номинацияларида тақдирландилар. Унда Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари давлат қўмитаси, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, “Кафолат” сугурта компанияси, АТ Халқ банки, Ўзбекистон рангли металллар чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи компанияси тантанали равишда тақдирланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида ўтказилди.





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябр кунлари Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди. Саммитнинг асосий тадбирлари 28 сентябр куни бўлди. Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада муостаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Давлат раҳбарларининг кенгайтирилган музокараларида турли соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлигини бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларига доир кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди. Мажлиса жами 16 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натҳ Ковиндининг таклифига биноан 30 сентябр ва 1 октябр кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Президент Рам Натҳ Ковинд, Бош вазир Нарендра Модидан ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан учрашув ва музокараларда давлатлараро ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг аниқ йўлларини кўриб чиқиш, минтақавий ва халқаро сийosatнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистоннинг қадимги пойтахти, жаҳонга машҳур меъморий обиди — мухташам Тож Маҳал жойлашган Агра шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф якунида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазирининг қўшма баёноти қабул қилинди, салмоқли ҳужжатлараро ва идоралараро келишувлар, мамлакатларимиз ҳудудлари ва муассасалари ўртасида ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 октябр куни электр энергетика соҳасидаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилиш, тармоқни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда электр энергетика соҳаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги қайд этилиб, соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-саноат палатаси раиси уринбосари Иброҳим ал-Маҳмуд бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 3 октябр куни Тошкентда Ўзбекистон — БАА бизнес-форуми ўтказилди. Бизнес-форум доирасида, жумладан, Ўзбекистон ва БААнинг қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили салоҳиятини ўрганиш юзасидан юртимизга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатада мазкур делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

## АКТ соҳаси: ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА МУҲИМ КЕЛИШУВЛАР ИМЗОЛАНДИ



◀ 1-бет.

Ҳиндистонлик ҳамкорларга Ҳиндистоннинг STPI жамиятларининг тажрибаси асосида Ўзбекистонда дастурий таъминот ва инновацион маҳсулотлар технопаркинни яратиш имкониятларини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Ҳиндистонда дастурий таъминот технологиялари парклари (STPI) дастурий таъминот экспортини рағбатлантириш мақсадида 1991 йили ташкил этилган. Компания дастурий таъминот ва хизматларни ишлаб чиқиш ва экспорт қилишни қўллаб-қувватлайди, маҳсулотларни рағбатлантириш учун экспорт қилувчиларга ҳуқуқий ва бошқа хизматларни тақдим этади, ахборот технологиялари соҳасида тadbиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратиб, микро,

кичик ва ўрта бизнес вакилларининг фаолиятини рағбатлантиради.

Ҳиндистон билан АКТ-таълими соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ташриф давомида бир нечта ҳужжатлар имзоланди:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Деҳли Ҳиндистон Технология институтини (IITD) ўртасида ўзаро англашув меморандуми.

Меморандум университетлар ўртасида академик алмашинувга (талабалар алмашинуви, ўқитувчилар, тадқиқотчилар), ТАТУ ўқитувчи-профессорларининг малакасини оширишга, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва бошқаларга қаратилган.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ҳиндистоннинг етакчи компьютер технологияларини ривожлантириш маркази (CDAC) ўртасида ТАТУ қошидаги Жаҳоҳарлаб Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказини янада такомиллаштириш бўйича келишув.

Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртли раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар натижаларига кўра, Ҳиндистондаги Amity University етакчи олий ўқув юртининг Тошкент шаҳридаги филиалини очиш масаласини биргаликда ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилди.

Ташриф арафасида Амйти университети билан музокаралар олиб борилди ва натижада Тошкентда университет филиалининг очилиши бўйича биргаликдаги иш бошлангани ҳақида келишувга эришилди.

Амйти университети (Amity University) — Ҳиндис-

тондаги етакчи хусусий нотижорат олий таълим муассасасидир. Ўқув юртининг асосий биноси Ноида шаҳрида жойлашган бўлиб, 11та шаҳарда (Мумбай, Жайпур, Колката ва бошқалар) кампуслари, шунингдек, Нью-Йорк, Лондон, Дубай, Сингапур, Хитой, Жанубий Африка ва бошқа жойларда филиаллари жойлашган. Times Higher Education ва QS Ranking халқаро рейтинг компанияларининг ҳулосасига кўра, университет дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртлиридан бири бўлиб, Осиёдаги энг яхши 300та университетлардан бири ҳисобланади. Университет 150 мингдан зиёд талаба таҳсил олаётган йirik таълим муассасасидир.

Ўзбекистон электрон ҳукуматини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик ва тажриба алмашишдан манфаатдор. Ташриф чоғида Ўзбекистон "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ва Ҳиндистон информатика миллий маркази ўртасида ҳамкорликда тadbирлар ўтказиш борасида битимлар имзоланди.

Томонлар Ўзбекистон "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ва Миллий информатика маркази (NIC) ўртасида электрон ҳукумат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоландилар.

Жорий йилдан бошлаб космик технологияларни ривожлантириш ва космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш АКТ вазирлиги фаолиятининг янги йўналиши ҳисобланади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тинчлик мақсадларида космосдан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Келишувга кўра, АКТ вазирлиги ва Ҳиндистон космик тадқиқотлари ташкилоти (ISRO) бу соҳада ҳамкорлик қилишади.

Ҳиндистон космик тадқиқотлари ташкилоти (ISRO) Ҳиндистон миллий космик агентлиги бўлиб, Ҳиндистоннинг Космик тадқиқотлар департаментига қарашлидир. Ташкилотнинг штаб-квартираси Бангалорда жойлашган бўлиб, унда тахминан 20 минг киши меҳнат қилади.

Эришилган барча икки томонлама келишувларнинг муваффақиятли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун йўл хариталари ишлаб чиқилади.



— Ҳиндистон бугунги кунда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда дунёнинг етакчиларидан биридир. Ушбу мамлакатда АКТнинг яппи ички маҳсулотдаги улуши 7,7 фоизни ташкил қилади. Биз учун дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришда энг илғор тажрибаларни ўрганиш жуда муҳим. Хусусан, Ҳиндистон қандай қилиб АКТ компанияларига бузун биз гувоҳи бўлиб турган қўлай эко-тизимни яратиб бера олгани қизиқ. Ўзбекистон дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришда Ҳиндистон тажрибасини ўрганиш фойдали бўлади деб ўйлайман.

# САМАРҚАНДА ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРАЛОҚА ИТТИФОҚИНИНГ ХУДУДИЙ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбир АКТ вазирлиги кўмагида ташкил этилди.



Шу йилнинг 2-3 октябр кунлари Самарқанд шаҳрида Халқаро электралоқа иттифоқи (ITU)нинг IMS базасидаги VoLTE/ViLTE тармоқларини жорий этишга бағишланган икки кунлик ҳудудий семинари бўлиб ўтди. Тадбир АКТ вазирлиги кўмагида ташкил этилди.

Семинар ITU аъзолари ва бошқа манфаатдор ташкилот-

лар, бошқарув органлари, вазирликлар вакиллари, телекоммуникация операторлари, илмий ходимлар, телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқарувчилари, илмий-тадқиқот институтлари, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар учун ўзига хос мунозара майдонига айланди. Семинарда IMS ва VoLTE технологияларини ри-

вожлантириш соҳасида тажриба алмашилди ва қўйидаги масалалар кўриб чиқилди:

- IMS платформасидан фойдаланган ҳолда 4G (VoLTE/ViLTE) куриш тасмийллари;

- IMS базаси асосида VoLTE/ViLTE тармоқларини кенгайтиришнинг асосий муаммолари;

- VoLTE/ViLTE тармоқлараро боғлиқлиги масалаларини ечишда ENUMнинг роли;
- IMS ва VoLTE/ViLTE технологияларини қўллашда норматив-ҳуқуқий бошқарув;
- IMS базасида VoLTE/ViLTEни жорий қилишда операторлар муаммоларини ҳал қилиш мақсадида халқаро стандартлаштириш йўналишларини белгилаш.

## КЎРГАЗМА

# СОҶА КОРХОНАЛАРИ

## “БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ТУРИЗМ” КЎРГАЗМАСИДА



2018 йилнинг 3 октябр кунини “ЎзэкспоМарказ”да Марказий Осиёнинг йирик кўرғазмаларидан бири — 24-Тошкент халқаро туризм ярмаркасига (#UZTRAVELFAIR) старт берилди.

Кўрғазмада “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази, UZINFOCOM ягона интегра-

тори ҳамда BePro дастурчилар маркази иштирок этмоқда.

Миллий маънавият, ижодкорлик салоҳияти, меҳмондўстлик каби эзгу қадриятларимизни ўзида акс эттирган ярмарка #TITF\_2018 Ўзбекистоннинг тарихий-меъморий бой мероси, ноёб анъаналари, миллий хунармандчилигини дунёга намойиш этади.

#UZTRAVELFAIRда Жанубий Корея, Таиланд, Миср, Сингапур, Малайзия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Россия сингари 32 мамлакатдан 50дан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этаётган бўлиб, бу йил илк марта хитойлик вакилларнинг ҳам қатнашиши ўзбек туризми соҳасининг ривожланиб бораётганининг яна бир исботидир.

## НАЗОРАТ

# АҲОЛИГА БЕРИЛГАН ВАЪДАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияга ҳам кейинги йилларда аҳоли томонидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Охириги йилларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган хизматларнинг кўрсатилишини сўраб давлат идоралари, корхона ва ташкилотларга мурожаат қилиш учун барча зарурий шароитлар яратилди. Бу эса жойлардаги мавжуд муаммоларни кўрсатиб беришда қўл келмоқда.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияга ҳам кейинги йилларда аҳоли томонидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

“Ўзалоқаназорат”нинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий инспекцияси томонидан ҳудуд бўйича келиб тушган ва ўрганилган мурожаатлар таҳлили мурожаатларнинг аксари-

ят қисми маҳаллий телефон алоқаси ва маълумотларни узатиш хизматлари бўйича, айниқса, телефонлаштирилмаган ҳудудлардан телефон алоқаси ва юқори тезликдаги маълумотларни узатиш хизматларига уланиш юзасидан эканлигини кўрсатди. Бунга мисол тариқасида Нукус шаҳрининг чекка ҳудудидида жойлашган ва бугунги кунгача телефонлаштирилмаган Наўқанбаг ва Наўбахар маҳаллаларини кўрсатишимиз мумкин.

Ушбу маҳаллаларнинг аксарият хонадонлари ёш оилалардан ташкил топган бўлиб, аҳолидан телефон алоқаси ва маълумотлар узатиш хизматларига уланиш бўйича “Ўзалоқаназорат” ва юқори ташкилотларга 2017 йил ва 2018 йилнинг 1 сентябр ҳолатига 20дан ортиқ му-

урожаатлар келиб тушган. Мурожаатларни ижобий ҳал этиш мақсадида ҳудудий инспекция томонидан “Ўзбектелеком” АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиалига тегишли хатлар тақдим этилиб, телефонлаштириш чораларини кўриш сўралган эди. Ўз навбатида, филиал томонидан Наўқанбаг ва Наўбахар маҳаллаларини 2018 йилнинг октябр-ноябр ойларида телефонлаштириш тўғрисида аҳолига ваъдалар берилган эди.

Натижада “Ўзбектелеком” АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан 2018 йил июл-август ойларида ушбу маҳаллаларга оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, сиғими 1500га яқин фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи уч дона рақамли телефон стан-

цияси ўрнатилди. Бугунги кунда линия-кабел ҳўжалигини ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда ҳамда ушбу ҳудуд аҳолисига 2018 йилнинг ноябр ойидан сифатли телефон алоқаси, интернет ва IPTV хизматларини тақдим этиш режалаштирилган.

“Ўзалоқаназорат” Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий инспекцияси келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш бўйича соҳа корхоналари ва мобил алоқа операторлари томонидан берилган ваъдаларнинг ўз вақтида бажарилишини доимий назорат қилиб бормоқда.

Ш.СЕРЖАНОВ,  
“Ўзалоқаназорат”нинг  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ҳудудий инспекцияси бошлиғи



## “БАРЛОС”НИНГ ОРЗУСИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ

“БАРЛОС”нинг келгусидаги режалари улкан. Осиё ва Жаҳон чемпионатларида ҳамда Токио-2020 олимпиадасида иштирок этиш жамоа спортчиларининг бош мақсадига айланган.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ҳолатларини талаб даражасида сақлаш ва ривожлантириш, юксак маънавий-руҳий сифатларини тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да бошқарма бошлиғи полковник Бекзод Аденов бошчилигида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Авалло, таъкидлаш жоизки, бошқарма спорт мажмуаси янгитдан капитал таъмирдан чиқарилиб, баскетбол, теннис ва волейбол ўйинларини ўтказиш учун мослаштирилди. Тренажёр зали ҳам янгитдан ишга туширилди. Уттан йили Конституциямизнинг 25 йиллиги байрами муносабати билан бошқарма спорт майдончаси реконструкция қилиниб, сунъий қопламали футбол майдони фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда бошқармада спорт-

нинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси ҳамда бадминтон турлари билан шуғулланиш бўйича барча шароитлар яратилган бўлиб, уларга шахсий таркиб мунтазам қатнашиб келмоқда.

Юртимизда “Универсал жанг” спорт тури жадал суръатларда ривожланиб бораётгани натижасида мазкур спорт тури қатнашчилари республика чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб, жаҳон ареналарида ўз нуфузига эга бўлиб келишмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи “Универсал жанг” спорт турини бошқарма шахсий таркиби ўртасида ҳам оммалаштириш, улар билан мунтазам равишда спорт машгулотларини ўтказиш ва мусобақаларда иштирок этишларини самарали йўлга қўйиш мақсадида “Универсал жанг” бўйича спорт тўғраги ташкил этилди ва ушбу жамоага буюқ аждоқларимизга муносиб ворис бўлиш ғояси асосида “БАРЛОС” номи берилди. Тўғаракка катта лейтенант Ф.Юнусов бош мураббий, лейтенант З.Расулов ҳамда шартнома асосида оддий аскар Л.Мирзамаҳмудов

тренер ёрдамчилари этиб тайинланди.

“БАРЛОС” жамоасининг жипслигини, ғалабага бўлган иштиқни янада ошириш, улар онгида зиммасига бошқарма нуфузини ҳимоя қилишдек юксак масъулият юклатилганлигини ҳис қилиш туйғусини сингдириш учун ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўлими офицерлари ва ҳарбий қисм психологи томонидан мунтазам равишда тарбиявий-психологик тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда амалга оширилган ишлар натижасида 32 нафар ҳарбий хизматчимиз универсал жанг спорт тури бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда. Улар керакли спорт анжомлари ва кийимлари билан таъминланган, овқатланиш рационига қўшимча юқори калорияли таомлар қўшилган.

Натижада спортчиларимиз республика миқёсидаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ашиҳара-қаратэ федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган кумитэ республика очик чемпионати баҳсла-

рида “БАРЛОС” жамоаси аъзоси оддий аскар Жасурбек Эшмуродов 65 килограмм вазнда фахрли 2-ўринни олган бўлса, яна бир вақилимиз оддий аскар Аҳмед Рустамов 75 килограмм вазнда энг юқори 1-ўринни қўлга киритиб, жорий йилнинг ноябр ойида Қозоғистон Республикаси Ақтубе шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлди.

Ўзбекистон миқдий олимпия кўмитаси, Республика бокс федерацияси томонидан жорий йилнинг 27 сентябр – 1 октябр кунлари ўтказилган бокс бўйича республика очик саралаш турнирида жамоанинг яна бир аъзоси, оддий аскар Ойбек Тожиматов 63,5 килограмм вазнда фахрли 2-ўринни қўлга киритиб, бир миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

“БАРЛОС”нинг келгусидаги режалари улкан. Осиё ва Жаҳон чемпионатларида ҳамда Токио-2020 олимпиадасида иштирок этиш жамоа спортчиларининг бош мақсадига айланган.

**А.ОТАБООЕВ,**

Маданий ҳордик ишлари бўйича катта офицер – клуб бошлиғи, катта лейтенант

Сержант Суннат НАЖИМОВ олган сурат.

### ТАДБИР

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ!

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари мазмун-моҳиятини профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида тарғиб қилишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ЙХХБ ходимлари подполковник Зойиржон Аҳмедов ҳамда сержант Санъат Ҳусеиновлар иштирок этиб, юқоридаги қарор билан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига концепциянинг асосий йўналишлари ва йўл харитасида назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида сифатли ва самарали амалга ошириш юклатилганлиги хусусида сўз юритишди. Сўнгги йилларда

қурилган муҳим чора-тадбирлар натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги борасидаги кўплаб муаммолар масалалар ҳал этилганини мисоллар билан тушунтиришган ҳолда, ўқитувчи ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоблар беришди.

— Йўл ҳаракати қоидаларини риоя қилиш ва ушбу соҳада хавфсизлигини таъминлаш масалари бугунги кунда долзарблик касб этган, — дейди филиалнинг Ёшлар билан ишлаш, маънавий-атрофият ва маърифат бўлими бошлиғи

Шаҳзод Эшонқулов. — Шу боис ҳар ҳафтанинг жума кuni “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кuni”, ҳар ойнинг учинчи-жумаси эса “Автомобилсиз кун” ўтказилиши, шу тадбирлар доирасида филиалимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан йўл ҳаракатлари қоидаларига доимий равишда сўзсиз риоя қилишни таъминлаш чоралари белгилаб олинди.

**Ҳ.АБДУҒАФУРОВ,**  
ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби

# “ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИДАН ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРГАЧА

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали ҳаётнинг барча жабҳаларига АКТни чуқурроқ жорий этишни мақсад қилиб олган



Суратларда: Қўшработ телекоммуникациялар боғламасининг янги биносини фойдаланишга топшириш маросимидан лавҳалар.

**Нарпай туманидаги “Мирбозор” МФЙда янгитдан ишга туширилган телефон станцияси муқобил қуёш энергияси манбаи билан таъминланди.**

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийнинг турли соҳаларида замонавий ахборот технологияларини жорий қилишга доир йирик ва нуфузли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида соҳа корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар турлари ва ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда. 2018 йилнинг Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳолат ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилингани эса ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси корхоналари раҳбар ва мутахассис ходимлари олдида муҳим вазифаларни юклади. Мазкур вазифаларнинг “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалидаги ижроси кўйида тилга олинади.

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали томонидан 2018 йил курилишлар манзил рўйхатида қиритилган лойиҳалар доирасида 137 км., жумладан, вилоят туманларида бунёд этилган янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига 62,24 км., “ЎзМобайл” компаниясининг GSM хизмат кўрсатиш база станцияларига 16,0 км., шаҳар ва туманлар суд идораларига 12,4 км., ФТТВ тармоғини кенгайтириш учун 8,310 км., Mini-MSAN қурилмаларини монтаж ва қурилиш ишларига 4,422 км., прокуратура, департамент объектлари ва шу каби корхона, ташкилот ҳамда хўжаликлар алоқа сифатини ошириш мақсадларига 8,10 км. оптик толали кабел ётқизилди.

— 2018 йилнинг салкам тўққиз ойи давомида филиал бўйича олинган даромад 11 607 632 минг сўми ташкил этиб, режа 123 фоиз ёки 2 204 295 минг сўм ортғи билан бажарилди, — дейди Самарқанд филиали директори Мансур Алиев. — Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 195 фоизни ташкил этди. Интернет хизмати учун белгиланган даромадлар режаси ҳам 115 фоизга бажарилди. Шу вақт давомида хо-

димлар ўртача иш ҳақи 1 587 518 сўми ташкил этди.

Ўтган ҳафтада Самарқанд филиалининг Қўшработ телекоммуникациялар боғламасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Тажрибали алоқачи Бунёд Бобобеков бошчилиги қилиб келатган Қўшработ телекоммуникациялар боғламасида бугунги кунда 14 ходим, шу жумладан, икки электромонтёр, бир кабелчи-пайвандчи ва уч нафар техник фаолият юритиб келмоқда. 1016 рақамга монтаж қилинган боғлама 612та корхона ва хонадонларга сифатли хизмат кўрсатяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябр куни тасдиқланган “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самаралорини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда давлат улдушига эга бўлган хўжалик бирлашмаларига тегишли бўш турган ёки тўлиқ фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш топшириғи берилган. Ана шу топшириқдан келиб чиққан ҳолда филиал директори томонидан вилоят ҳамда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлари номига туман телекоммуникациялар боғламаси марказий АТС биноларининг бўш қисмини ижарага берилиши маълум қилинган хатлар чиқарилди. Бу тадбир ҳам амалга ошириб, қисман ёки тўлиқ бўш турган алоқа объектлари тадбиркорларга ижарага берилса, улардан тушган даромад ҳам вилоят алоқа соҳасини янада ривожлантиришга йўналтирилади.

Ҳозирда мамлакатимиз бўйлаб “Обод қишлоқ” дастури доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу ишдан самарқандлик алоқачилар ҳам четда туришгани йўқ. Хусусан, улар дастур доирасида Нуробод туманидаги Жом қишлоғи аҳолиси учун 30 км. масофага тенг радиореле узатиш қурилмаси орқали 10 МБит/с. тезликдаги кенг полосали хизмат турларини тақдим этдилар.

Бундан ташқари, қишлоқлар аҳолисига янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида Булунғур туманидаги Янги қишлоқ фуқаролар йиғинида, Тойлоқ туман Боғизагон ҚФЙда телефон станциялари янгитдан ишга туширилди. Нарпай туманидаги “Мирбозор” МФЙда янгитдан ишга туширилган телефон станцияси муқобил қуёш энергияси манбаи билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1989 ва 2313-сонли қарорлари 2018 йил ижросини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- ҳисобот даврида 1 миллиард сўм миқдорда маблағ ўзлаштирилиб, Самарқанд вилояти миқёсида 137 км.дан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилди;

- Кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида 2017-2018 йилларда тармоқ сизими 7,8 миң портга кенгайтирилди;

- 2017-2018 йилларда амалга оширилган лойиҳалар доирасида кенг полосали тармоқлар сизими 3712 портга MSAN қурилмалари, 9000 портга ФТТВ технологияси асосида, жами 12712 портга кенгайтирилиб, вилоят туманлари миқёсида умумий сизим 54 миң портдан ортди;

- Оптик алоқа линияларини қуриш лойиҳаси доирасида 2017-2018 йилларда 300 км. оптик толали алоқа линиялари қурилиши белгиланган ҳолда 2017-2018 йилларда жами 288 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди;

- Худудларда мобил алоқа тармоғини ривожлантириш — “ЎзМобайл” GSM мобил алоқа тармоғини ривожлантириш лойиҳаси доирасида база станцияларини 56 км. оптик толали алоқа линиялари ташкил этилди;

- 2017-2018 йилларда объектларни алоқа канали билан таъминлаш учун жами 36 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Корпоратив секторга мул-

тимедиа хизматларини кўрсатиш учун студиялар яратиш лойиҳаси доирасида 2015 йил “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали бошқарув биносини мултимедиа студиясини ташкил этиш белгиланган бўлиб, мазкур ишлар ниҳоясига етказилган.

Кенг полосали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида, умумий ўрнатилган портлар сони 54130тани, фойдаланилган портлар сони эса 37108тани ташкил этди. Жумладан:


- xDSL технологияси асосида ишловчи қурилмаларнинг монтаж сизими 33264 портни, шундан фойдаланилган сизим 27939 портни ташкил этди;

- ФТТх технологияси асосида тармоқни модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича кўп қаватли бинолар ва намунавий уй-жойларда 20866 порт сизим орқали ФТТх технологияси асосида аҳолига хизмат кўрсатиш имкони яратилиб, бугунги кунга қадар 9169та абонент уланди.

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали яқин келажакда вилоятда телекоммуникациялар тармоқлари қамровини кенгайтириш, халқаро интернет тармоғининг ўтказувчанлик тезлигини кескин ошириш, электрон ҳукумат тизimini янада ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янги турдаги интерактив давлат хизматларини яратиш, бир сўз билан айтганда, вилоят ҳаётининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини янада чуқурроқ жорий этиш каби вазифаларни бажаришни мақсад қилиб олган.

Ана шундай янги марралар, олдларига қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали раҳбарияти ва мутахассис ходимлари ишларида омадлар тилаймиз!

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
“Xabar”нинг Самарқанд  
вилоятидаги муҳбири



## ПЕРЕВОД ЖИЛОГО ПОМЕЩЕНИЯ В КАТЕГОРИЮ НЕЖИЛОГО С ПОМОЩЬЮ ЕПИГУ

ЕПИГУ предоставляет услугу получения решения о переводе жилого помещения в категорию нежилого.

**Стоимость и порядок оплаты услуги**

За рассмотрение заявления о выдаче разрешения взимается сбор в следующих размерах:

10 % от минимальной заработной платы — для го-

рода Нукуса и областных центров.

20 % от минимальной заработной платы — для г. Ташкента.

30 % от минимальной заработной платы — для территорий районов и городов областного подчинения.

Сроки оказания услуги — 8 дней.

### Важно!

Услуга доступна авторизованным пользователям, имеющим ЭЦП.

### Как это работает?

1 ШАГ. Определение о наличии необходимых документов для получения услуги.

2 ШАГ. Заполнение информации о заявителе.

3 ШАГ. Заполнение сведений об объекте.

4 ШАГ. Оплата для получения услуги.

## ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

### КООДИНИРУЮЩИМ ОРГАНОМ МУИС НАЗНАЧЕНО НАПУ

Национальное агентство проектного управления при Президенте Республики Узбекистан займется координацией деятельности Mirzo Ulugbek Innovation Center.

Соответствующее решение главы государства зафиксировано в Указе УП-5547 от 30 сентября этого года.

Документ предусматривает внесение изменений и дополнений в некоторые акты Президента Республики Узбекистан. В частности, пересмотрен пункт 4 Указа главы государства от 30 июня 2017 года УП-5099 «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике».



С 1 октября 2018 года основные функции по регулированию работы Mirzo Ulugbek Innovation Center, которые ранее выполнял Координационный совет во главе с Премьер-министром Узбекистана, переданы НАПУ.

В их числе: — координация деятельности государственных органов, научных, образовательных учреждений и

иных организаций по содействию развитию МУИС; — проведение системного мониторинга и анализа работы инновационного центра в развитии отечественной отрасли информационных технологий;

— подготовка предложений по совершенствованию деятельности МУИС и улучшению условий для юридических лиц в сфере информационных технологий, в том числе на основе передового международного опыта.

Также НАПУ будет принимать решения о регистрации юридических лиц в качестве резидентов инновационного центра и лишении их этого статуса.

Сегодня резидентами МУИС являются 319 компаний.

## ГОСОРГАНИ

### СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСКОМЗЕМГЕОДЕЗКАДАСТР И "ЯНДЕКС"

В Госкомземгеодезкадастр состоялась встреча заместителя председателя Шерзода Хабибуллаева и регионального директора компании "Яндекс" в Узбекистане Евгения Лукьянчикова.

Компания "Яндекс" официально вышла на рынок пассажирских перевозок Узбекистана с апреля текущего года и начала работать в Ташкенте. Узбекистан стал уже девятой страной, в которой запущен сервис Яндекс.Такси — это международный

сервис, который позволяет быстро вызвать официальное такси без звонка диспетчеру и следить за выполнением заказа на карте.

Компания "Яндекс" обратилась в Госкомземгеодезкадастр с вопросами по возможности обмена данными для составления онлайн карт городов Республики Узбекистан.

Госкомземгеодезкадастр готов к плодотворному сотрудничеству с компанией "Яндекс" в этом направлении и будет оказывать всяческую поддержку.

## КАК ЗАЩИТИТЬ СМАРТФОН ОТ ОПАСНЫХ ПРИЛОЖЕНИЙ?

Эксперты в области кибербезопасности чуть ли не ежедневно пугают нас новыми опаснейшими вирусами, которые обитают в приложениях для смартфонов. Как от них защититься и не стать жертвой мошенников — в нашем материале.

### 1. Читайте отзывы

С каждым годом хакеры становятся все более хитрыми и изощренными. Благодаря этому им удается встраивать вредоносное ПО даже в приложения, которые представлены в магазинах Google Play и App Store.

Внешне хакерские программы не отличаются от обычных: иногда нужно обладать экстрасенсорными способностями, чтобы с первого взгляда отличить подделку от оригинала.

Что делать: Если вы не уверены, что перед вами официальное и безопасное приложение, читайте отзывы в магазине и смотрите оценки. Другие пользователи иногда замечают «подставу» и сообщают об этом.

### 2. Проверяйте запросы

При скачивании программы из Google Play или App Store пользователю заранее сообщают, какие права будут доступны приложению сразу после установки. Порой именно эта возможность может спасти ваш онлайн-кошелек от опустошения.

Что делать: внимательно следите за тем, какие права запрашивает программа. Например, если простому фонарику нужен доступ к отправке SMS или к фотоальбому, лучше даже не устанавливайте такое приложение. В противном случае велика вероятность, что хакеры получат доступ к вашим личным данным, а также подпишут вас на платные сервисы, которые будут ежедневно «поджирать» крупные суммы со счета.

### 3. Смотрите на качество

При скачивании программы обращайте внимание на каждую деталь приложения, включая его логотип, название и компанию-разработчика. Многие хакеры подделывают официальные программы, но специально допускают незаметные ошибки в написании и картинке, чтобы система не приняла их вредоносное ПО за клон настоящего.

Что делать: Чтобы удостовериться в правильности приложения, посмотрите точное название искомой программы в Google, а также внимательно рассмотрите ее логотип и сравните название компаний-разработчиков. Эти действия не займут много времени, зато сведут к минимуму риск остаться без денег на счету.

### 4. Скачивайте приложения только из магазинов

Этот пункт не позволит вам заранее определить фальшивое приложение, однако выполнение несложного правила является самым главным гарантом стабильности в киберпространстве.

Дело в том, что модераторы Google Play и App Store худобно отсеивают опасное ПО до того, как оно становится доступно пользователям. Помимо живых людей, там работают специальные алгоритмы, которые могут обнаружить зловред. Однако если программа не проходит специальную проверку, то потенциально в ней может содержаться все что угодно, вплоть до коварнейшего вируса.

Что делать: чем меньше вы будете скачивать приложения из неизвестных источников, тем меньше у вас шансов подцепить вредоносное программное обеспечение на смартфон. Об этом пользователей предупреждают все эксперты в области кибербезопасности.

### 5. Обратите внимание на количество скачиваний

Как ни странно, по количеству скачиваний легче определить фальшивое приложение, чем по названию и логотипу. Почему? Да все довольно просто.

Если злоумышленникам удалось полностью подделать и название программы, и даже компанию-разработчика в описании (а такое бывало), то количество загрузок они изменить никак не смогут, права на это есть только у разработчиков.

Что делать: при скачивании популярных программ обязательно смотрите на счетчик: если у каких-нибудь псевдо-WhatsApp и ябокы - Facebook не больше 5-10 тысяч скачиваний, про них стоит забыть.

### 6. Устанавливайте антивирусы

Многие владельцы смартфонов уверены, что установка антивируса — это пустая трата времени и денег. К сожалению для них, это ложное суждение. Такие программы могут спасти устройство от вредоносного ПО, а его обладателя — от головной боли и пустого онлайн-кошелька. Пусть это и касается владельцев Android-смартфонов.



# ИЖОБИЙЛИК — МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЯГОНА СИРИ



“Агар иссиқ бўлмаганида, сиз ҳозир бу сояда лаззатланиш қанчалик ёқимли эканини тасаввур қила олмас эдингиз”

Муваффақият қозониш жуда осон. Юқори натижаларга эришаётган инсонлар ўз имкониятларига ишонадилар. Уларнинг ягона устунлиги — шу.

Ҳар инсонда ўзига хос табиат шаклланиб бўлади. Инсон хулқида ижобий хислатлар ёки салбий жиҳатлар устун бўлади. Ижобий фазилатлилар белигача қум тўлдирилган қопни “ярим тўла қоп” деса, феълида салбий хусусиятлари кўпроқ бўлган инсонлар бунни “ярим бўш” кўради. Шу табиатига кўра, унинг атрофида ўз муҳити вужудга келади. Унинг омадли ёки омадсизлиги худди шу муҳитга боғлиқ.

Буюк ва муваффақиятли инсонлар омадининг бош сабаби — уларнинг феъл-атворида ишонч ва ижобийлик ҳисларининг устунлигидир. Ижобийлик буюкларнинг энг буюк фазилати, десак хато бўлмайди.

Ҳар бир оиллада ўзига хос анъана бор. Ҳар бир жамиятнинг ўзига тегишли бўлган урф-одатлари мавжуд. Қайсида давлатга хос сиёсий ёки ижтимоий анъаналар, шу миллатнинг хусусиятлари ҳамда фазилатлари негизда

шаклланади. Мамлакатдаги бу умумий табиат унинг келажагини белгилайди.

Бугунги замон ва ўтмиш даврларнинг муҳитида ўзига хос фазилат ва зиддиятлар борлиги аниқ. Рухшунос Мартин Селигманнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, XX асрнинг сўнгги 30 йилида рухшуносликка ихтисослашган журналлардаги салбий кайфият акс этган мақолалар ҳажми 46 минг ҳамда ижобий руҳдаги ишлар ҳажми бор-йўғи 400 саҳифа экан.

“Ҳар нарсани яхшиликка йўй”, “Ҳаммаси яхшиликка”, “Таскин олиш учун ҳикмат изла” каби қадимий нақллар бахтли яшаш сирларидан бири. Уни ижобий руҳдаги кишилар яратишган. Ижобий фазилатлилар оламни, ундаги ҳар бир нарсани одамзотга хайрихоҳ деб билишади. Ҳар бир воқеани хосиятли ҳисоблашади. Биз ёшликни илм учун сарфлаймиз. Оқибатда яхши турмуш тарзидан тортиб, жамиятда ўзимизга яраша ҳурматга ҳам эришамиз. Ижобий табиатлилар ҳаёт уларни йиғлашга мажбур қилганда ҳам бунда бир хосият кўра олишади.

Ҳиндистоннинг Маҳараш-

тра штати шарқда жойлашган сўлим Маҳабалешвар воҳаси бўйлаб йўл бошловчи ҳамроҳлигида саёҳат қилар эканмиз, бир неча қақиримлик сайр барчани ҳолдан тойдирди. Йўл бошловчи ваъда қилганидек, сўнгги манзил шаршара эди. Шаршарага етганимизда табиатнинг бу қадар гўзаллигидан лол қолдик. Кун иссиғида ҳолсизланиб, шаршара қуйилаётган анҳор бўйидаги баҳайбат дарахтнинг танга ором бағишловчи соясида чўзилдик. Узоқ саёҳатдан кейин бу роҳатни таърифлашга тил ожиз эди.

“Намунча иссиқ бўлмаса, ё Худо!”, деди сайёҳлардан бири жуда норози оҳангда. Умри офтоб остида ўтган, зуваласи шу иссиқда пишган йўлбошчи бу нолишдан сўнг жилмайди. “Агар иссиқ бўлмаганида, сиз ҳозир бу сояда лаззатланиш қанчалик ёқимли эканини тасаввур қила олмас эдингиз”, деди ажин тўла пешонасини силаб. “Худого шер ва йиртқиқларни яратгани учун нолима. Уларга қанот бермангани учун шукр қил, деган мақол бор бизда”, қўшимча қилди у.

Бу дунё биз учун барча қулайликлари билан яратилган. Ҳаётнинг ҳар бир лаҳза-сида бахт бор. Фақатгина уни ҳис қилиш учун истак зарур.

Мисол учун, дераза ойна-сидан ёмғирни томоша қилиш, яқин дўстингиздан хабар олиш, фарзандингизга янги нимадир ўргатиб, жажжи қалбни тўғри тарбиялаш, узоқ вақтдан кейин ота-онангиз билан кўришиш, мазмули суҳбат, илк маротаба севиб қолиш, тун ярмида ширин уйқудан уйғониб, тонгача ҳали борлигидан қувониш, кимдандир ўзингиз ҳақида яхши таъриф эшитиш, севгилингиз ёки турмуш ўртоғингиз меҳрибонлигидан лаззатланиш, қизиқарли фильм кўриш, меҳр билан дастурхон тузаш ёки овқат пишириш, қўёш чиқибётганини томоша қилиб руҳланиш, янги дўстлар топиш, эски улфатлар билан чойхонада ўтириш, қўшнилар билан ҳангома қилиш ...

Бу рўйхатни ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Имконият бор экан, ҳаётдан завқланиш керак! Шунда омад сиздан узоқлашмайди.

Шухрат САТТОРОВ

» БИЗНЕС САБОҚЛАРИ

## ЖЕК МА: "МИЛЛИАРДЕРЛАРДАГИ БОШ ЎХШАШЛИК НИМА?"



*Жаҳоннинг энг муваффақиятли ва пулдор кишиларидан саналган Жек Ма ёшларга энг таъсирчан мурожаатини йўлади. Уни куйида эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

“Менинг бадавлат отам бўлмаган. Уч йил уриниб университетга кира олмаганман. Ҳарвардга кириш учун ўн йил уриндим, улар мени хоҳлашмади. Охир-оқибат ўқитувчилар тайёрлайдиган коллеж талабаси бўлдим. Уша кезларда иш топиш муаммо эди. 1994 йилларда ўқитувчилар ўн доллар эвазига бир ой ишлашга рози эдилар. Ўттизта идоранинг эшигини қоқиб бордим. Бирортаси мени ишга қабул қилмади. Мақтабда инглиз тилидан сабоқ берар эканман, ҳаётимни ўзгартиришга бўлган орзулар менга тинчлик бермас эди. Шунда интернет деган янгилик ҳақида эшитиб қолдим. Кўпчилик унинг нималигини билмас эди. Мен эса кун-тун ўргандим, унга оид манбаларни ўқидим,

истикқоблини ўргандим.

Шунда менда интернет орқали буюртма олиб, Хитойда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб беришда воситачилик қиладиган компания очиб фикри туғилди. Атрофимдагилар менинг устимдан кулишар, ғалати ва бўлмағур фикрлар ҳаёлимга қаердан келишини айтиб, калака қилишар эди.

Иш бошлашим учун банкдан уч минг доллар олишга уч ой вақтим кетди. Alibaba компанияси тўғрисидаги мақсалларим хомхаёл эканини айтиб, қўшлаб сармоядорлар мени рад этишди. Аммо олдинда мени улкан муваффақият кутиб турганини сезар эдим. Қаттиқ меҳнат қилдим. Охир-оқибат минг машаққат билан ўн саккизта сармоядордан элик минг АКШ доллари тўплашга эришдим.

Alibaba уч йил мобайнида ҳаётимда бир доллар ҳам фойда келтирмаган. Аммо мени нима руҳлантиргани қизиқ бўлса керак? Бу — бизга мактуб йўллаётган мижозлар эди. Улар ҳозирча бизга катта миқдорда тўлов тўлай ол-

масликлари, аммо бу ишимиз улкан гоё экани, келажагимиз олдинчилигини ёзишар эди. Улар кўпинча “Ҳозир бизга ёрдам берсангиз, биз кун келиб ривожланамиз, ушанда биз сизга ёрдам берамиз, сиз ҳам кучли компанияга айланасиз”, деб ёзишар эди. Кичик фойдамиз, секин-аста катталаша бошлади.

Чиндан ҳам, ўн олти йил ўтиб, бизда ҳамма нарса бор эди: савдо платформаларидан тортиб, электрон тўлов тизимлари ва дунё бўйлаб миллионлаб мижозлар ва етакчи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар.

**Муваффақиятли инсонлардаги бош умумийлик нима?**

Ижобийлик! Улар келажак сари доимо ижобий кайфиятда боришади. Ижобийлик одамга имкониятни ёрқинроқ кўришга ёрдам беради. Бугунги ёшларнинг кўпи иш топа олмаслигини пеш қилиб нолишади. Бу — хато! Атрофга қаранг — биз имкониятлар асрида яшаймиз! Сизнинг энг куч-

ли жиҳатингиз бор — сиз ёшсиз! Бу имкониятлар орасида нима-нидир бошқача қила олишингизга ишонсангиз, бу тўғрисида ўқиб-ўрганишдан эринманг.

Ҳақиқий талбиркорлик — меҳнат дегани. Муваффақият қозонишни истасангиз, бошқалар ухлаб ётганда сиз ўрганинг, тонг саҳарда шаҳар уйқудалигида сиз имкониятларингизни кенгайтириш учун эртароқ уйғонинг. Ҳаётда яқинлишдан қўрқмаслик керак. Айниқса, ёшликда! Йиқиласиз, яна оёққа турасиз. Ҳар қандай хато — беқийс фойда!

Ҳар бир инсон учун эрта — бу забт этилмаган келажак. Олга бориш керак, ҳаракат қилиш керак. Атрофдагилар сизга ишонса-ишонмасалар, сиз ўз орзуларингиз рўёбига ишонинг, жамоани бунга ишонтиринг!

Яшашни ҳам унутманг. Биз ҳаётга ишлаш учун эмас, бахтиёр бўлиш учун келганмиз. Пулдан қайтурманг! Агар сиз орзуларингиз ордани қўвсангиз, пул сизнинг эртингиздан қувади!”

# НУКУС ВА ҚЎНҒИРОТДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАНДАЙ КЎРСАТИЛМОҚДА?

## Талаб, таклиф ва яна таклифлар...

Сўровномага кўра, уч респондентнинг икки нафари давлат хизматини олиш учун Давлат хизматлари марказига келиш кераклигини таниш-билишларидан билган.

*Давлат хизматлари агентлиги Нукус шаҳри ва Қўнғирот туманида давлат хизматлари қандай кўрсатилаётгани билан қизиқди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Самарали давлат бошқарувини ривожлантиришга кўмаклашиш ва рақамли трансформация" қўшма лойиҳаси ҳамда БМТнинг "Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳафсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожиясидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш" қўшма дастури доирасида ўрганиш ўтказилди.*

### Нукус

Нукус шаҳар Давлат хизматлари маркази аҳоли ва тadbиркорларга 100га яқин хизматни йўлга қўйган. Марказга бир кунлик аҳоли оқими — 800-900 киши.

### Қўнғирот

Қўнғирот тумани Давлат хизматлари маркази орқали


аҳолига бодан ортиқ давлат хизматлари кўрсатиляпти. Марказга бир кунда 250-300 киши келиб кетмоқда.

### Сўровнома: рақам ва фактлар

Нукус шаҳри ва Қўнғирот тумани давлат хизматлари марказларида ўтказилган сўровномалар аввало давлат хизматлари кўрсатувчи ходимлар олдида турган бирламчи вазифаларга оидлик киритиб берди. Қорақалпоғистонда давлат хизматлари кўрсатилаётганини одамлар биладими-йўқми, бу ерга келувчиларни хизматлар, ходимларнинг савияси қаноатлантиряптими, яна қандай хизматлар керак — шу ва бошқа кўплаб саволларга жавоб олинди.

Аввало бир жиҳатга эътибор қаратиш керак, сўровномага кўра, уч респондентнинг икки нафари давлат хизматини олиш учун Давлат хизматлари марказига келиш кераклигини таниш-билишларидан билган. Демак, тарғибот билан жиддийроқ шуғулланиш керак.

Деярли барча респондентлар давлат хизматларидан фойдаланишга келганда биринчи марта ўз электрон рақамли



имзосини (ЭРИ) ҳам қўлга киритганини билдирди, яъни улар бу хизматга илк бор мурожаат этишмоқда.

Сўровномада аниқ бўлдики, Нукус шаҳри ва Қўнғирот туманида айтилган энг талаб юқори бўлган хизматлар қуйидагилар:

- электрон рақамли имзо калитини олиш;
- болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш;
- фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш;
- туғилганликни қайд этиш;
- ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан бир марталик умумдавлат акцияси доирасида мулк ҳуқуқини эътироф этиш.

Сўровномада қатнашганларнинг 70 фоизи мурожаатларига жойида амалий ёрдам берилганини, яна шунча қисми ДХМ зарур ва замо-

навий техникалар билан таъминланганини маълум қилиб, ходимларнинг билими, фуқаролар билан ўзаро муомала маданиятига яхши баҳо берган. Шу билан бирга, респондентларнинг чорак қисми келувчилар кутиб ўтириши учун қулай шароит яратиш зарурлигини билдирган.

### Давлат хизматлари марказлари қайси хизматларни кўрсатишини истайсиз?

Бу саволга сўровнома қатнашчилари қуйидагича жавоб беришди:

- банкдан кредит олиш хизмати;
- фуқароларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларидан қарзи бор-йўқлиги ёки унга нисбатан бирор-бир ҳужжат расмийлаштирилмаганлиги ҳақидаги маълумотнома олиш хизмати;



- навбат кутувчилар учун оналар ва болалар хонасини ташкил этиш;
- хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини кўпайтириш;
- интернет тезлигини ошириш.

**Вазият ўрганилди, таклифлар кўп**

**1-таклиф.** Сўровда аниқланишича, фуқаролар орасида ЭРИ калитларини йўқотиб қўяётганлар ҳам бор, бу ҳолатда қўшимча равишда янги ЭРИ калитини олишга тўғри келади.

Бунинг олдини олиш, сарсонгарчилик ва ортиқча маблағ сарфланишига барҳам бериш учун биринчи марта олинган ЭРИни махсус қурилмада сақлаш ва кейинчалик ундаги шахсий ахборотдан барча хизматлардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида махсус дастурий таъминот яратиш керак.

**2-таклиф.** Фарзанд дунёга келганида туғуруқхона томонида махсус дастурга уни қайд этиши.

Бу жараён "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида кечади: шундан сўнг ота-она туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш учун ДХМга борганида туғуруқхонадан олинган махсус талон рақами орқали туғилганлик гувоҳномаси ва фарзанд туғилганида берилган бир марталик нафақа пули ташкил этилади. Туғуруқхона, ФХДЁ бўлими ва ДХМни боғлаб турувчи ягона электрон база яратилади. Гувоҳнома тайёр бўлганида ота ва она ёки уларнинг ўринини босувчи шахсларга SMS орқали хабар берилади.

Шунингдек, ушбу занжирнинг давоми сифатида дунёга келган болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси берилган заҳотиёқ, уни 3 ёшга тулғунига қадар яшаш жойи-

га кўра, давлат мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш тизими жорий этилади. Бунинг ижобий тарафи, ота-она фарзанди 3 ёшга тулғанда қайси боғчага боришини олдиндан билади, муаммолари вазиятлар, коррупция ҳолатларининг олди олинади.

**3-таклиф.** Аҳоли сарсонгарчилигининг олдини олиш ва марказларга мурожаат қилиш маданиятини ошириш мақсадида маҳаллий телевиденида мунтазам равишда Давлат хизматлари марказлари фаолияти акс этган роликларни намойиш қилиб бориш.

**4-таклиф.** ДХМ орқали жорий этилаётган янги хизмат турларини аввал кўрсатиб келган давлат органлари ва ташкилотларининг кириш қисмида, ҳамма кўриши мумкин бўлган жойларда Давлат хизматлари марказларига йўналтирувчи махсус стендларни ташкил қилиш.

**5-таклиф.** Мактаб ва коллежларда махсус курсларни ташкил қилиш. "Давлат хизматларидан фойдаланиш маданияти" курсларида ҳар бир боқсқчи батафсил тушунтириб борилади.

**6-таклиф.** Одамлар бирон бир масалада аввало ўз маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади.

Маҳаллалар ва Давлат хизматлари марказларининг узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш керак.

**7-таклиф.** Ягона дастурий таъминот яратиши.

Дастурий таъминот одамнинг туғилганидан тортиб боғча, мактаб, институт, ишга кириши, пенсия ва турли нафақалар олиши, солиқлар ва мажбурий тўловларни амалга ошириши, ҳуллас, ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган давлат-фуқаро муносабатларидаги алоқаларининг бюрократия ва тўсиқларсиз амалга оширилишини таъминлайди.



**8-таклиф.** Марказларда ташир буюрувчилар учун электрон давлат хизматларини олиш учун махсус жой ажратиш, махсус техника билан жиҳозлаш.

ДХМга келган шахс навбати келгунга қадар мустақил равишда электрон хизматдан фойдалана олади. Агар у электрон хизматдан фойдалана олмас унга йўл-йўриқ кўрсатилади.

**9-таклиф.** Марказларда мониторинг орқали доимий равишда у ёки бу хизмат туридан фойдаланиш тартибини тушунтирувчи роликлар намойишини ташкил этиши.

**10-таклиф.** Марказларда хизмат кўрсатиши сифатини ошириш, аҳоли қаноатлантирилишига эришиш мақсадида баҳолаш тизimini яратиши.

Махсус қурилма, планшет ёрдамида 3 турдаги смайликлар ёрдамида одамларга ўз

фикр-мулоҳазасини билдириш имконияти яратилади. Бу кўрсаткичларни баҳолаб бориш натижасида, у ёки бу марказ ходимига тавсиф берилади. Кўп эътирозларга сабабчи ходимлар билан хайрлашилади.

**11-таклиф.** Аҳоли хизматларини олиш жараёни билан боғлиқ талаб, таклиф ва эътирозлар билдириши учун "ишонч телефони", "call center" ташкил этиши ва улар ҳақидаги маълумотни оммавий тарқатиши.

Бу биринчидан, одамларнинг бирор хизматдан фойдаланиш учун керакли ҳужжатларни ўзи билан олиб келишига, вақтини ва маблағини тежашга ёрдам беради. Иккинчидан, таклиф ва мавжуд бўлганда эътирозларни ўрганишга имкон беради.

**Хулоса ўрнида**

Сўров жараёнида Кўнғирот тумани аҳолиси, айниқса, ҳужжатбозликка қарши эканини очиқроқ билдирди. Асосан қишлоқ хўжалиги билан банд, худуди катталиги бўйича мамлакатимиздаги энг йирик бу тумanning аҳолиси учун бир ҳужжатни олиш учун бир неча мартаба марказга келиб-кейтиш осонмас.

Сўровномада аниқландики, респондентларнинг аксариятида бир маълумотнома ёки давлат хизматини олиш деганда кўп вақт сарфлаш, ҳужжат йиғиш каби таассуротлар уйғонаркан. Бизнинг мақсадимиз эса давлат хизматлари кўрсатиш тизими айнан ана шундай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилганини аҳолига тўғри тушунтириш ва албатта, амалда исботлашдир.

Севара ЗОКИРОВА,  
Давлат хизматлари агентлиги бўлим бошлиғи

Сўровномада аниқландики, респондентларнинг аксариятида бир маълумотнома ёки давлат хизматини олиш деганда кўп вақт сарфлаш, ҳужжат йиғиш каби таассуротлар уйғонаркан.





# АСКАР КИТОБ ЎҚИЙДИ

*Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ҳарбий хизматчиларнинг муталаа маданиятини оширишлари, бўш вақтларида бошқарма кутубхонасидаги турли адабиётлардан фойдаланиб, ўз устида мунтазам ишлашлари мунтазамлик касб этган. Уларнинг илмий ва маънавий тафаккурини янада юксалтиришга хизмат қилувчи турли тадбирлар ўтказиш эса анъанага айланган. Яқинда ўтказилган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги “Энг яхши ҳарбий китобхон” танлови ҳам айни шу анъана маҳсулидир.*

Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу танлов ҳакамлар ҳайъатига Ўзбекистон ёзувчилар

уюшмаси аъзоси, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Бахтиёр Ҳайдаров раислик қилди. Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази кафедра мудири, филология фанлари номзоди Ғофур Эшмонов ҳамда бошқарма бошлиғи полковник Бекзод Аденев ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этди.

Танловда биринчи босқичда голиб бўлган тўққиз нафар ҳарбий хизматчи “Ўзбек адабиёти билимдони”, “Жаҳон адабиёти билимдони”, “Буюк мутафаккир ва адиб” шартлари бўйича 300 балл учун беллашдилар.

Биринчи ва иккинчи шартларда иштирокчилар ишчи гуруҳ томонидан тавсия этилган ўзбек ва жаҳон адабиётига оид китобларнинг мазмун-моҳияти, гоёси ва аҳамиятини шарҳлаб беришди. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан саволлар берилди. Иштирокчилар бадиий асар номини электрон шакл-



да экранда рақам танлаш орқали аниқлади. Тайёргарлик кўриш учун бир дақиқа, жавоб бериш учун уч дақиқа вақт белгиланди. Учинчи шартда эса иштирокчиларнинг улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақидаги билимлари синовдан ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчи чиқишига, саволларга берган жавобларидан сўнг дарҳол ўз баҳоларини бериб боришди. Бу иштирокчиларнинг ҳолисона ва адолатли баҳоланишида муҳим ўрин тутди.

Ниҳоят, ҳакамлар ҳайъати “Энг яхши ҳарбий китобхон” танлови голиблари номини

эълон қилди. Унга кўра, шартномадаги оддий аскар Б.Ҳалимов мутлақ биринчи ўринга сазовор бўлди. Голибга I даражали диплом ва қимматбаҳо кўл соати тақдим этилди. Иккинчи ўрин насиб этган оддий аскар Ҳ.Умаров II даражали диплом ва 500000 сўм пул мукофоти билан тақдирланган бўлса, учинчи ўринни эгаллаган оддий аскар Ш.Тўлановга III даражали диплом ва 300 000 сўм пул мукофоти берилди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси Бахтиёр Ҳайдаров голибларни қутлар экан, “Энг яхши ҳарбий китобхон” танловининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, илмга қувват берувчи, тафаккурни теранлаштирувчи манба, албатта, китоб эканлиги ҳақида фикр билдирди. Бу каби тадбирлар ҳар бир ҳарбий хизматчи учун ўзига хос туртки бўлишини таъкидлаб, танлов ташкилотчиларига, бошқарма раҳбариятига миннатдорлик билдирди.


Танлов сўнгида ҳарбий қисмнинг “Импульс” ансамбли дилтортар мусиқий чиқишлари билан талбирга байрамона руҳ бағишлаган бўлса, Ўзбекистон давлат сатира театридан ташриф буюрган Аҳрор Шарипов бошчилигидаги труппанинг ичакузди ҳангомалари ҳарбий хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳисса қўшди.

У.ЙЎЛДОШЕВ,  
“Xabar” мухбири



“Танловда биринчи босқичда голиб бўлган тўққиз нафар ҳарбий хизматчи “Ўзбек адабиёти билимдони”, “Жаҳон адабиёти билимдони”, “Буюк мутафаккир ва адиб” шартлари бўйича 300 балл учун беллашдилар.”

# МОБИЛ CHROME да РЕКЛАМАЛАРДАН ҚУТУЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?



Сир эмас, рекламалардан ҳамма безор, аммо кўпчилик сайтлар шу билан тирикчилик қилгани боис, саҳифаларида уларни жойлайверади. Аммо

рекламалардан қутулиш йўллари бор.

Google Chrome браузерининг мобил талқинида рекламалардан қутулишнинг осон йўли бор —

“Содалаштирилган тарзда кўриш” (“Упрощённый просмотр”) тартиби. Ундан фойдаланиш учун илованинг содалаштирилган тарзда кўриш” (“Упрощённый просмотр”) бандини белгилаб қўясиз — бўлди.

Энди бирор веб-саҳифани очганингизда, браузернинг пасти қисмида мутолаа режимига ўтишни таклиф қилувчи билдиришнома чиқади. Унинг устига босишингиз билан саҳифа барча ёт унсурлардан, жумладан: реклама, анимация ва бошқа элементлардан халос бўлади. Фақат матн ва унга жойланган иллюстрацияларгина қолади; тагин бунда матн ўлчамини (масштабини) содлаш ҳам мумкин бўлади.

**Унутманг:** “Содалаштирилган тарзда кўриш” ҳозирча барча сайтларда ҳам ишламаслиги мумкин, лекин аксарият ҳолларда сизни рекламалардан қутқаради.

## ИМКОНИАТ




# TELEGRAM даги БАРЧА ЁЗИШМАЛАР ВА ФАЙЛЛАРНИ КЎЧИРИБ ОЛИШ МУМКИН

Еврокомиссия талабига кўра, Европа мамлакатлари ҳудудида ишловчи онлайн сервислар ўз фойдаланувчиларига уларда тўпланган маълумотларни юклаб олиш имконини беришлари лозим. Бу киши муайян сервисга боғланиб қолмаслиги, ундаги маълумотларини ўзига олиб қўйиб, аккаунтини йўқ қилиб юбора олиши учун ҳам зарур.

Бизда энг оммалашган Telegram мессенжериди ҳам шахсий маълумотларни кўчириб олиб қўйиш имконияти бор. Сиз ундан ўз аккаунтингиз ҳақидаги маълумотларни, контактларингиз рўйхатини, ёзишмалар ва уларда алмашилган файлларни юклаб олишингиз мумкин.

Бу эса қуйидаги ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади:



Компютерингиз ёки ноутбугингиздан Telegram Desktop

орқали ўз аккаунтингизга кирасиз.

Дастурдаги асосий “Содалаштирилган тарзда кўриш” (“Упрощённый просмотр”) тартиби. Ундан фойдаланиш учун илованинг содалаштирилган тарзда кўриш” (“Упрощённый просмотр”) бандини белгилаб қўясиз — бўлди.

Очилган ойнада айнан нималарни кўчириб олмоқчи эканлигингизни белгилаб чиқасиз: аккаунтингиз ҳақидаги маълумотлар, контактларингиз рўйхати, кишилар билан ёзишмалар, ботлар билан қилинган чатлар, гуруҳлар ва каналлардаги ёзишмалар, барча турдаги медиафайллар ва ҳоказо.

Танлаб бўлганингиздан сўнг “Экспорт қилиш”, яъни

“Экспортировать” тугмачасини босасиз. Маълумотларни HTML ёки JSON форматиди юклаб олиш мумкин — шулардан бирини танлайсиз. Шунингдек, қаерга кўчириб олишни ҳам белгилашингиз мумкин (дастлабки содалаштирилган тарзда кўриш, улар дастур ўрнатилган “Telegram” жилдининг ўзига юкланади).

Токи тўлиқ кўчириб бўлмагунча Telegram Desktop дастурини ёпмай турасиз.

Тайёр — энди сиз ўз аккаунтингизни ўчириб юборсангиз ҳам, ундаги контактларингиз рўйхати, ёзишмаларингиз ва файлларингиз ўзингизда сақланиб қолади.

Telegram Desktop алфа-талқинида эса алоҳида бирор чатдаги ёзишманинг ўзини юклаб олиш функцияси ҳам мавжуд.

## ҲОЙДАЛИ СЕРВИС

# SHRINK ME — СУРАТ СИФАТИНИ САҚЛАГАНЧА ҲАЖМИНИ КИЧРАЙТИРИБ БЕРАДИ

Ҳажми бир неча юз мегабайтни ташкил этувчи суратлар смартфон хотирасида кўп жой эгаллаши ноқулай. “Оғир” суратларни почта ёки бирор мессенжер орқали узатиш, ижтимоий тармоққа жойлаш ҳам анча қийин бўлиб, трафикни “ёб қўяди”.

Бу каби масалаларда сизга Shrink Me онлайн-сервиси ёрдамга келади.

У нафақат суратларнинг

ҳажмини ихчамлаштиради, балки уларнинг оригинал сифатини ҳам сақлаб қолади!


Сиз шунчаки браузерда <https://shrinkme.app/> манзилга кирасиз ва унга график файлларни юклайсиз. Бунинг учун ўша файлни сичқонча билан “ушлаб олиб”, сервис бош саҳифаси марказидаги шаклга ташлайсиз. Ёки ўша шакл остидаги “Танлаш” — “Select” тугмачасини босиб, сурат-

файли турган жойига бориб уни танлайсиз. Кейин эса сервис уларнинг ҳажмини оптималлаштириб беради, уни саҳифанинг пастидаги “Сақлаш” — “Save” тугмачасини босиб орқали керакли жойга сақлайсиз.

Shrink Me онлайн-сервиси файлингизнинг номини ҳам ўзгартирмаган ҳолда, ҳажми кичрайтирилган версиясини ZIP-архив ичида сизга тақдим этади.

Яна бир ўта муҳим жиҳат: исталган браузерда <https://shrinkme.app/> сервисига бир марта кирсангиз, у ўзи кешда сақланиб қолади. Кейинги гал эса унинг хизматидан фойдаланиш учун сизга интернет ҳам керак бўлмайди! Яъни, Shrink Me офлайн режимда ҳам ишлайверади! Бунақа имкониятни, тагин текинга, ҳар ким ҳам тақдим этавермайди, нима дедингиз?

## СУПЕРКОМПЮТЕРЛАР



## ЛЮКСЕМБУРГДА МИЛЛИАРД ЕВРОЛИК СУПЕРКОМПЮТЕР ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Люксембургда ноябр ойида Европа ҳисоблаш маркази очилади. Унда дунёдаги “кучли бешлик”га кирувчи иккита суперкомпютер ишлайди. Бу ҳақда “Дойче Велле” хабар берди.

Еврокомиссиянинг тегишли таклифи Европа иттифоқи мамлакатлари томонидан 28 сентябр куни Брюсселда қабул қилинди.

Европа ҳисоблаш марказини қуришда 24 мамлакат, жумладан, ЕИ аъзоси бўлмаган Норвегия ҳам қатнашмоқда.

Лойиҳа учун 485 млн. евро ЕИ бюджетидан, 400 млн. евро аъзо-мамлакатлар томонидан, 400 млн. евро хусусий компаниялар томонидан ажратилади.

Мана шу пулларга (1,285 млрд. евро) иккита суперкомпютер мажмуаси келтирилади. “Кичик мамлакат”даги “катта компютер” Европа мамлакатларидаги барча суперкомпютерлар билан ягона тармоққа бирлаштирилади.


Ҳозир дунёдаги суперкомпютерларнинг энг кучлиси АКШда: 2018 йил июн ойида ишга туширилган Summit 200 петафлопс қувватга эга. Бунгача жаҳон рейтингини бошқарган Хитойнинг Sunway TaihuLight суперкомпютери 93 петафлопс-лик кўрсаткичга эга.

## ТОЗА ЭНЕРГИЯ

## ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИНИ ТОЗА ЁҚИЛФИГА АЙЛАНТИРУВЧИ НАНОКРИСТАЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Австралиянинг Curtin университети олимлари қуёш энергиясини водород каби тоза ёқилғига айлантирадиган катализатор вазифасини ўтовчи нанокристалларни аниқлади.

Бу кристаллар таркибида заҳарли моддалар йўқ. Тадқиқот гуруҳи раҳбари Гоуа Цзянинг маълум қилишича, қуёш нуридан энергия олиш ва бу энергияни водородга ўхшаш тоза ёқилғига айлантиришда ишлатиладиган оддий катализаторларда платина, иридий ва рутений каби оғир металллар билан кадмий каби яримўтказгичлар ишлатилади. Ҳолбуки, кадмий ўта заҳарли, платина, иридий ва рутений жуда қиммат. Нанокристалли янги усул арзон ва зарарсиз бўлиб, уни турли соҳаларда қўллаш мумкин. Аммо гап айнан қайси кристаллар ҳақида кетаётгани маълум қилинмаган.



## МЕССЕНЖЕРЛАР

## TELEGRAMДАГИ НУҚСОН ФЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ IP-МАНЗИЛЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИГА ПУТУР ЕТКАЗМОҚДА

Telegram мессенжери хабарлар алмашиш учун энг хавфсиз иловалардан бири, бироқ баъзида унда ҳам айрим нуқсонлар кузатиладики, бу фойдаланувчиларнинг ахборот хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Яқинда Telegramнинг tdesktop 1.3.14 десктоп ва Microsoft Store (3.3.0.0 WP8.1) учун версияларида баг (нуқсон) топилди. У кўнғироқ қилиш пайти фойдаланувчиларнинг IP-манзиллари очилиб қолишига сабаб бўлиши аниқланди. Telegram хавфсизлик жамоаси бу хатони топган одамга 2000 евро мукофот берди.

Одатда фойдаланувчилар кўнғироқ қилишда Telegram автоматик равишда уларни P2P-улашиш орқали



боғлайди. Бу тартибда ишланганда кўнғироқ қилувчининг барча очиқ ва шахсий IP-манзиллари очилиб қолади.


Буни мобил илованинг соzламаларига кириб ўзгартириш мумкин, бироқ

tdesktop ва Microsoft Store учун Telegram иловасида бу функция кўзда тутилмаган.

Telegram мутахассислари юқоридаги муаммага барҳам бериши: фойдаланувчилар энди P2P-улашишни ўчириб ёки чеклаб қўя оладилар.

## ИЛОВАЛАР

## ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ ЎРНИГА СМАРТФОН



қилинмайди.

Данияда ҳайдовчиларнинг гувоҳномалари ўрнини смартфондаги махсус илова эгаллайди. Бу ҳақда The Silver Times газетаси хабар тарқатди.

Махсус мобил илова 2020 йил охирига бориб тўлиқ тайёр бўлиши кутиляпти.

Дания молия вазирлиги маълумотига кўра, ҳайдовчилик гувоҳномаси мобил иловада тақдим этилувчи биринчи расмий ҳужжатга айланади. Шу билан бирга, оддий гувоҳномалар ҳам бекор

## БЕШИНЧИ АВЛОД

## VERIZON ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ТИЖОРИЙ 5Gни ИШЛАТИШНИ БОШЛАДИ

АҚШнинг Verizon мобил алоқа оператори янги авлод интернетни — 5G тармоғи устидаги синовларга киришди.

5G тармоғи Лос-Анжелес, Хьюстон, Сакраменто ва Индианаполисининг бир нечта туманларида синов тариқасида ишга туширилди. Verizon абонентлари дастлабки уч ой хизматдан бепул фойдаланишди, кейин эса ойлик тўлов 70 долларгача белгиланади.

Келгусида интернет жуда катта трафикни талаб қилади, амалдаги тармоқлар эса буни кўтара олмайди. 5G айнан шу муаммага ечим бўлиши кутилмоқда.



## РАКЕТАСОЗЛИК

## НОРВЕГИЯ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРОТАБА ЎЗ РАКЕТАСИНИ УЧИРДИ

Норвегия 27 сентябр куни ўз тарихида биринчи маротаба тўлиқ ўзи ишлаб чиққан ракетани фазога учирди.


NRK телекомпанияси хабар беришича, ракета лойиҳасига 10,5 миллион евро сарфланган.

Ракета парвозига маҳаллий вақт билан соат 14:17да старт берилди. Унга Норвегиянинг Nammo компанияси ишлаб чиққан двигател ўрнатилди.


Денгиз устида 107 километр масофани учиб ўтган ракета атмосфера чегарасидан ўтиб, космик кенгликка чиққан.

Шуни таъкидлаш керакки, бу Европадаги илк гибрид двигателли ракета (ҳам суюқ, ҳам қаттиқ ёқилғи ёқади) ҳисобланади.

Ракетанинг оғирлиги — 800 килограмм, узунлиги — 9 метр.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади



# БМТ Хавфсизлик кенгаши Эрон тарафига

**АҚШ президенти Доналд Трамп БМТ Хавфсизлик кенгашининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида “Эрон тузуми зўравонлик, террор ва тартибсизликларни экспорт қилмоқда”, деб айтди. У нутқи давомида Хавфсизлик кенгаши аъзоларини Техронни яқкалатиб қўйишга даъват этди: “Мен Эрон тузуми ўз ахлоқини ўнглаб олиши ва ҳеч қачон ядровий қуролга эга бўлмаслиги учун БМТ Хавфсизлик кенгашининг барча аъзоларини Қўшма Штатлар билан ҳамкорлик қилишга чақираман”, – деди Трамп.**

АҚШ президентига кўра, 2015 йилда Эрон халқаро ҳамжамият билан ядровий дастурдан воз кечиш шартномасини имзолагани ортидан Вашингтон бу мамлакатта нисбатан санкцияларни бекор қилди ва бунинг натижасида Техрон катта миқдорда фойда кўрди. Бироқ, Трампнинг таъкидича, Эрон бу маблағларни террорчиликни қўллаб-қувватлаш, ядровий каллакли ракеталарни ишлаб чиқариш каби ишларга сарфлаган. Натижада Оқ Уй Эронга санкцияларни қайта жорий этиш тўғрисида қарорга келган. Трамп Эронга нисбатан АҚШ санкциялари тўлақонли равишда ноябр ойдан бошлаб кучга киришини айтди. “Бу санкциялар кучга киргач, АҚШ ҳар қанонгидан ҳам қатъийроқ бўлган қўшимча санкцияларни қўллаш бошлайди. Бу санкцияларга амал қилмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс жиддий муаммоларга дучор бўлади”, – ургу берди Трамп.

Аммо АҚШ президентининг бу баёноти Британия, Франция, Россия, Хитой ва Германия томонидан рад этилди. Мазкур давлатлар Эрон билан 2015 йилги шартноманинг сақланиб



қолиниши Техрон ядровий қурол ишлаб чиқармаслиги учун энг яхши қарордир, деб ҳисобламоқдалар. Жумладан, Франция президенти Эммануэл Макрон “АҚШ бу шартномадан чиқиб, жиддий ишонсизлик кайфиятини пайдо қилди”, – дея ўз фикрини билдирди.

Халқаро ҳамжамият томонидан бундай қўллаб-қувватловга эришган Эрон президенти Ҳасан Рўҳоний Хавфсизлик кенгаши йиғилишидан сўнг журналистларга интервью берди: “БМТ Хавфсизлик кенгашининг буғунги сессиясида Америка яқкаланиб қолгани аниқ ошкор бўлди. Хавфсиз-

лик кенгашида қатнашган барча давлатлар Эрон билан шартномани сақлаб қолиш тарафдори эканини билдирди. Улар бу билан АҚШнинг қарори нотўғри эканини таъкидладилар”, – деди у.

Туркия ҳам АҚШнинг Эронга қарши санкцияларини қўллаб-қувватламаслигини ва ушбу мамлакат билан савдо-сотиқни давом эттириш ниятида эканлигини маълум қилди. “Биз Эрон, Россия ва бошқалар билан савдо қилишни давом эттирамиз. Туркия суверен ва мустақил давлат саналади. Агар бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг санкцияси бўлса, биз унга қўшилаемиз, акс ҳолда – йўқ”, – дея таъкидлаб ўтди Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли журналистларга.

Элатиб ўтаемиз, 2015 йилнинг ёзида АҚШ, Франция, Британия, Россия, Хитой ва Эрон ўртасида шартнома имзоланди, Техрон ядровий дастурини тўхтатиш мажбуриятини олган. Бунинг эвазига халқаро ҳамжамият Эронга нисбатан жорий этилган санкцияларни бекор қилиши лозим эди. Аммо президент Трамп 2018 йилнинг май ойида мазкур шартнома АҚШ манфаатларига зид келишини айтиб, шартномадан чиққанини билдирди. Трампнинг бу қарори АҚШнинг Европа Иттифоқидаги иттифоқчилари томонидан ҳам танқид қилинган.

## Бош вазир истеъфога чиқмоқчи

Арманистон бош вазири Никол Пашинян олти нафар вазирни лавозимидан озод қилиш ҳақидаги қарори кучга кирганидан сўнг истеъфо беришини маълум қилди. У шу тариқа мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилишига эришмоқчи.

Пашинян истеъфога чиққанидан сўнг парламентда бош вазирни сайлашга икки имконият бўлади. Агар улар муваффақиятсиз яқунласа, парламент тарқатиб юборилади ва янги сайловлар белгиланади. Қонунчиликка кўра, сайловлар парламент тарқатиб юборилганидан тахминан бир ойдан сўнг ўтказилади.

Пашинян воқеалар айнан шундай ривож топишига умид қилмоқда. Унинг айтишича, парламент халқ манфаатларини ифодаламайди, шу сабабли сайловлар имкон борича тезроқ ўтказилиши керак.



## Россияда пенсия ёши оширилиши ҳақидаги қонун кучга кирди

Россия президенти Владимир Путин “РФнинг пенсияни таъинлаш ва тўлаш масалалари бўйича баъзи қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонунини имзолади. Пенсия ислохотлари ҳақидаги қонунда Россияда эркаклар учун пенсияга чиқиш ёшининг босқич-ма-босқич 5 йилга (яъни, 65 ёшгача), аёллар учун 60



ёшгача оширилиши кўзда тутилган. Пенсия ёши оширилиши (ҳар йили бир йилга) 2019 йилдан бошлаб 2023 йилгача амалга оширилади.

Қонунга кўра, эркаклар учун пенсияга муддатидан олдин чиқиш ҳуқуқини берувчи стаж 42 йилни, аёллар учун 37 йилни ташкил қилади. Жамғариб бориувчи пенсия ҳозирдагидек аёллар учун 55 ёшдан, эркаклар учун 60 ёшдан тўланади.

Путин, шунингдек, Россия Жиноят кодексига пенсия ёшига етиб қолганларга ишга олишни рад этганлик учун 200 минг рубл жаримани кўзда тутувчи ўзгаришлар киритиш ҳақидаги ҳамда 2019 йилдан коррупциячилардан мусодара қилинган маблағларни Россия пенсия жамғармасига йўналтиришга рўхсат берувчи қонунларни ҳам имзолади.

## АҚШ Хитойга нефт етказишни тўхтатди

Вашингтон ва Пекин ўртасидаги савдо можароси сабабли АҚШдан Хитойга нефт экспорти тўлиқ тўхтатилди. Бу ҳақда China Merchants Energy Shipping компанияси президенти Се Чунлин маълум қилган. АҚШ Хитойга нефт экспорт қилишни бор-йўғи икки йил аввал бошлаган эди.

Икки давлат ўртасидаги савдо уруши жорий йил 6 июлида ушбу давлатлар ўртасида қиймати оширилган бож тўловлари кучга киргандан кейин бошланган.

## Табиий офат қурбонлари сони ортиб борапти

Индонезияда юз берган зилзила ва унинг оқибатида юзага келган цунами қурбонлари сони 1347 кишига етганлиги маълум қилинди. Аввалроқ зилзиладан омон қолганлар керакли ёрдамнинг етишмаслиги сабабли дўконларни талаб кетаётганлиги, қурбонлар сонининг 1200 кишидан ошганлиги ҳақида хабар берилган эди.

Магнитудаси 7,7га тенг бўлган зилзила Индо-

незияда 28 сентябр куни юз берди. Ер қимирлаши оқибатида минглаб уйлар, меҳмонхоналар, касалхона ва савдо марказлари бузилган. Ерости силкиншидан кейин оролга баланглиги икки метрдан олти метргача бўлган тўлқинлар ёпирилган. Мамлакатнинг Сумба ороли яқинида ҳам 2 октябр куни иккита янги ер силкиншилари қайд этилган. Уларнинг магнитудаси 5,9 ва 6 балли ташкил қилган.

Шунингдек, ҳалокат ҳудудларида вайрон бўлган учта қамоқхонадан 1200 нафар маҳбус қочиб кетган.



## Жанубий Корея камта делегацияси КХДРга йўл олди

2007 йилги Кореяларо саммитнинг 11 йиллигини нишонлаш учун йўл олган 160 кишилик делегация таркибидан амалдорлар, сиёсатчилар, жамоат ва диний арбоблар жой олди. Улар орасида Корея бирлашуви вазири Чо Мён Гюн ҳам бор. Жанубий Корея вакиллари Пхеньянда уч кун бўлишади. 5 октябр куни икки томон вакиллари иштирокидаги биринчи тадбир бўлиб ўтади.



Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Уйимизда телефон пайдо бўлганида, мен ҳали жуда кичкина эдим. Бунақа аппарат ҳали теварак-атрофдагиларда ҳам йўқ эди. Деворга маҳкамланган ва пардоз берилган бу эски қутини жуда яхши эслайман. Унинг ялтироқ гушагига этиш учун бўйим анча кичкиналик қиларди, аммо мен онамнинг телефонда суҳбатлашишни мароқ билан тинглардим.

Кейинроқ бу ажойиб қурилманинг қаеридадир “Маълумот беринг, илтимос” номли одам ўтиришини кашф этдим. Ва наздимда, у билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди. У ҳамманинг телефон рақамларидан тортиб, тўғри вақтга-ча айтиб бера оларди.

Мазкур “банка ичидаги жин” билан илк мулоқотим онам кўшниккига чиқиб кетганида юз берди. Ертўладаги асбоб-ускуналар дастгоҳи ёнида ўзимни овутириб ўтирганимда бармоғимни болга билан уриб олдим. Оғриқ кучли эди, аммо йиллашдан ҳам бирон маъни кўрмадим, чунки барибир уйда менга ҳамлард бўлувчи ҳеч ким йўқ эди.

Мен оғриқдан бўлган бармоғимни сўрганча уй бўйлаб юра бошладим ва охири зина ёнига келдим.

Бирдан телефон ёдимга тушди! Дарҳол катта хонадаги табуретка ёнига чопиб бордим ва уни судраб телефон турган жойга олиб келдим. Курсининг устига чиқиб, гушақни жойидан чиқариб олдим ва қулоғимга тутдим. Сўнг шундоққина бошим устида турган ускуна микрофонига юзланиб, “Маълумот беринг, илтимос!” дедим. Тугмачани бир-икки босганимдан сўнг қулоғимга аёл кишининг ингичка ва тиниқ овози эшитилди:

“Сизни эшитаман!”

— Бармоғимни уриб олдим... — йиллаудек бўлиб арз қилдим мен телефонга. Энди мени эшитадиган кимдир борлигиданми, кўзимга ёш тўлди. “Ойнинг уйда эмасми?” деган савол эшитилди гушақдан.

— Уйда ҳеч ким йўқ, ўзимман, — йилладим мен.

“Қўлинг қонаптими?”

— Йўқ — жавоб бердим яна. — Қўлимни болга билан уриб олдим, шунга оғрияпти. “Музхонани оча оласанми?” — сўради у. Мен оча олишини айтдим.

“Муздан озгина кўчириб ол-да, уни бармоғинга қўй”, — деган овоз келди.

Шундан сўнг мен бу “танишим”га телефон қилиб, ҳамма нарса ҳақида сўрайдиган бўлдим. Бир сафар ундан география фанидан ёрдам беришини сўрадим ва у Филладелфия қаерда жойлашганини айтиб берди. Яна бир сафар математикадан уй ишини баъжаримга ёрдамлашди. Бир кун олдин хиёбондан топиб олган оласичқо-



Пол ВИЛЛИАРД

(Ҳикоя)

## ЭСКИ ТЕЛЕФОН

ним мева ва ёнгоқ сийши мумкинлигини ҳам у айтди. Жажжи канарейкамиз Пити ўлиб қолганида, “Маълумот беринг, илтимос”га телефон қилиб, бу қушимиз ҳақидаги гамгин ҳикоямни сўзлаб бердим. У ҳикоямни эшитгач, менга болаларни овутиш учун катталар айтадиган оддий сўзлар билан таскин берди. Аммо мен юпанмадим ва ундан сўрадим:

— Нега шундай чиройли куйлаб, барча хонадонларга қувонч бахш этувчи қушлар ўлиши билан қафас ичидаги бир тутам патга айланишлари керак?



Менинг қаттиқ изтироб чекаётганимни у сезган бўлиши керак эди. Шундай бўлса-да, унинг осойишта овозини эшитдим:

“Пол, доим ёдингда бўлсин, куйлаш мумкин бўлган бошқа оламлар ҳам бор”.

Бу гапдан сўнг негадир ўзимни анча ёнгил ҳис қилдим. Бошқа бир кун яна телефонни кўтардим:

— Маълумот беринг, илтимос!

“Эшитаман!” — жавоб қилди таниш овоз.

— “Тузатиш” сўзини қандай талаффуз қиласиз? — сўрадим мен.

Буларнинг барчаси Тинч океани шимоли-ғарбдаги кичкинагина шаҳарчада бўлиб ўтаётган воқеалар эди. Мен тўққиз ёшга кирганимда, биз

мамлакатдаги бошқа шаҳар — Бостонга кўчиб ўтдик. Эски қадрдонимни жуда соғинардим. Негадир “Маълумот беринг, илтимос” деювчи овоз соҳибаси жойлашган олдинги уйимиздаги ёғоч қутини кейинги хонадонимиздаги столдан жой олган баланд, ялтироқ янги телефонга сира ўхшата олмасдим. Ўсмирлик чоғида ҳам болагимдан ёрқин хотира бўлиб қолган бу суҳбатлар ёди мени асло тарк этмади. Шубҳали ва қийин вазиятларда айна шу кўнгиноқлар туфайли энди ўзимни хавфсиз ҳис этаётганимни сезардим. Кичкинагина бир болани тинглаш бобида бу аёл қанчалар сабрли, тушунувчан ва меҳрибон бўла олганини ҳозир жуда яхши англайман ва унинг қаноатига таҳсинлар айтаман.

Бир неча йил ўтиб, ғарбдаги коллежга кетаётганимда, мен учаётган самолёт йўл-йўлакка Сиэтлда кўниб, у ердан бошқа рейсга алмашилган бўлдим. Кейинги самолётга ўтиргунимча бир ярим соат вақтим бор эди. Мен ўн беш дақиқа вақтимни айна пайтда шу шаҳарда яшаётган опам билан суҳбатлашиб ўтказдим. Кейин эса нима қилаётганимни уйлаб ҳам ўтирмай, она шахримдаги оператор рақамини тердим ва “Маълумот беринг, илтимос!” дея мурожаат қилдим. Бу не мўъжизаки, мен ўзим жуда яхши билладиган ўша аёлнинг ингичка ва тиниқ овозини эшитдим! Бу суҳбат ҳақида ўйламаганим, аммо тилимга ўзим ҳам кутмаган ҳолда шу сўзлар келди:

“Илтимос, менга “тузатиш” сўзи қандай талаффуз қилинишини айта оласизми?”

Гўшақдан бир муддат овоз эшитилмади. Кейин эса мулойим оҳангдаги жавоб янгради: “Тахминимча, шу вақтгача бармоғинг тузалиб кетган бўлиши керак...”

Мен кулдим.

— Шундай қилиб, бу ҳаляям аниқ сиз эканлигини билдим! — дедим сўнг.

— Қизиқ, мен учун гапла-

рингиз қанчалар аҳамиятли бўлганини ҳеч ҳаёлингизга келтирганмисиз?

“Қизиқ, — деди у ҳам, — сен ҳам кўнгиноқларинг мен учун қанчалар аҳамиятли бўлганини билганмикансан? Мен умуман фарзанд кўрмаганман, шу сабабми, кўнгиноқларингни кутиб яшашдан бахтиёр эдим”.

Мен ўтган йиллар давомида уни тез-тез эслаганимни айтдим ва опамникига келганимда яна телефон қилишга рухсат сўрадим. “Албатта, кўнгиноқ қилавер, — деди у, — Сэлли деб сўрасанг, кифоя”.

Уч ойдан сўнг Сиэтлга қайтдим. Аммо бу сафар операторга кўнгиноқ қилганимда, бошқа овоз жавоб берди. Мен Сэллини сўрадим:

“Унинг дўстимисиз?” — сўради маълумот берувчи аёл.

“Ҳа, жуда қадрдон дўстиман”, — жавоб қилдим мен.

“Сизга бундан айтишдан қаттиқ афсусламан, — деди аёл, — охириги йилларда у тўлиқсиз иш кунда ишлаётганди, чунки касал эди. Беш ҳафта олдин у вафот этди...”

Гўшақни қўяётганимда суҳбатдошим сўраб қолди: “Бир дақиқа, сизнинг исмингиз Полми?”

“Ҳа”.

“Яхши, унда сизга Сэлли хабар қолдириб кетган. У телефон қилиб қолишингиз мумкинлигини уйлаб шундай қилганди. Бу хабарни сизга ўқиб беришимга рухсат берсангиз. Бу ерда шундай ёзилган: “Унга айтингки, мен ҳаляям куйлаш учун бошқа оламлар бор, дейман. У нима демоқчилигини ўзи билиб олади”.

Мен аёлга раҳмат айтиб, гўшақни жойига қўйдим. Ҳа, Сэлли нима демоқчи бўлганини тушунганим. Бошқаларда қолдиришингиз мумкин бўлган таассуротларингизни ҳеч қачон камситманг. Бу билан сиздан шунини сўрамоқчиманки, инсон бошқа кимнингдир ҳаётида қанча ўзгаришлар қила олиши мумкинлиги ёдингиз-да турсин!

Инглиз тилидан  
Муҳаббат ШАРИФОВА  
таржимаси

“Қизиқ, — деди у ҳам, — сен ҳам кўнгиноқларинг мен учун қанчалар аҳамиятли бўлганини билганмикансан? Мен умуман фарзанд кўрмаганман, шу сабабми, кўнгиноқларингни кутиб яшашдан бахтиёр эдим”.

# БАРКАМОЛ ШАХС ВА МЕХНАТ ТАРБИЯСИ

**Дунё халқлари оғзаки ижоди намуналаридан маълумки, одамзот қадим замонлардан одил подшо, ҳақиқат тантанаси, адолатли жамият, фаровон ҳаёт ҳақида орзу қилиб келган. Улуғ файласуфлар, мутафаккирлар эса ўз асарларида комил инсон ғоясини илгари суришган.**

Хўш, комил инсон қандай фазилатларга эга бўлади? Бундай инсоннинг мукамал таърифни улуғ бомиз Мир Алишер Навоий ижодидан топишимиз мумкин. Унинг назарида комил инсон имон-инсофли, қаноатли, саховатпеша, илм-маърифатли, вафодор, ҳимматли, хокисор, адолатпарвар бўлади. Бу фазилатларнинг ҳар бири инсон маънавиятининг жавҳаридир. Имон-инсофли одам бировга ёмонликни раво кўрмайди, ўзгалар ҳақида кўз олайтирмайди. Қаноатли киши ҳалол меҳнати орқасидан топганига шукур қилади, нафсининг қулига айланмайди.

Мамлакатимизда илм-фан, адабиёт, санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилади. Олий таълим, халқ таълими, мактабгача таълим тизимларидаги туб ислохотларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Китобхонликни ривожлантириш ҳар томонлама рағбатлантирилади. Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад битта — ҳар жиҳатдан баркамол шахсларни тарбиялаш. Амалга оширилаётган саноат-ҳаракатлар натижасида мақтовга арзугилик натижаларга эришилади ҳам. Лекин баркамоллик деганда, фақат маънавий фазилатларни туншунсақ, таърифимиз номукамал бўлиб қолади.

Ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялашда меҳнатнинг ўрни беқиёс. Меҳнат тарбияси инсонни

ҳар жиҳатдан камол топтиришнинг муҳим шартидир. Инсон болалигидан барча моддий, ҳатто маданий бойликлар меҳнат орқали яратилишини англаб етиши зарур. Акс ҳолда, у “Берсанг ейман, урсанг ўламан” қабилидаги боқиманда одамга айланади.

Давлатимиз раҳбари ҳамиша ҳар бир инсон қайси соҳада ишлаганини, инсофдиёнлиги, виждонлиги, фидойи, ташаббускор, адолатпарвар, ҳалол, илм-маърифатли бўлиши кераклигини уқтирипти. Зеро, баркамол инсонлар қанча кўпайса, мамлакат шунча раванг топади, жамиятда шунчалик қонун устувор, адолат барқарор бўлади. Бунинг учун эса барчамиз ўз вазифаларимизни масъулият билан бажаришимиз, атрофдагиларга кўмак кўрсатишимиз ва ёшларга иш тажрибасини ўргатишимиз зарур. Жамоат ишларида иштирок этиб, ташаббускор ва фаол бўлишимиз керак. Шунда жамиятимиз равангга катта ҳисса қўшамиз.

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган “Баркамол шахс ва меҳнат тарбияси” мавзусидаги навбатдаги маърифат дарсида ана шулар ҳақида сўз борди. Йирилганлар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**А. ТУРСУНОВ,**  
ДФХ бўлим бошлиғи,  
подполковник

**“Қаноатли киши ҳалол меҳнати орқасидан топганига шукур қилади, нафсининг қулига айланмайди.”**

## МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

### 75 НАФАР ИШСIZ ИШЛИ БЎЛДИ

Маргилон шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш маркази, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, улар ўртасидаги тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида шаҳардаги 2-тиббий коллежда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ярмаркада шаҳардаги 54та корхона, ташкилот, муассаса 467та бўш иш ўрин-

ларини таклиф қилди. Меҳнат ярмаркасида 400га яқин ёшлар ҳамда вақтинча ишсизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчилари, жазо муддатини ўтаб келган фуқаролар қатнашди.

Тадбир давомида 75 нафар ишсиз фуқарога ишга жойлашиш учун корхона, ташкилот ва муассасаларга йўлланмалар берилди.

**Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ**

## ЭЪЛОН!

2013 йилда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицей томонидан Мурод Неъматиллаевич Темирова берилган № 833-сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция жамоаси меҳнат фахрийси

**Малахов Трофим Яковлевичнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

## Ўсмирларимиз Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Аргентинага йўл олишди

Шу йилнинг 6-18 октябр кунлари Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон делегацияси таркибида 37 нафар ёшларимиз спортнинг 16 тури бўйича баҳсларда иштирок этади.

Спортчиларимизни расмий кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинларида делегациямиз байроқдори вазифасини бажарадиган эркин курашчимиз Муҳаммадрасул Раҳимовга давлатимиз байрогини топширди.

Делегациямизнинг асосий қисми 4 октябр куни тунда пойтахтимиздан Буэнос-Айресга жўнаб кетишди.

## Эктор Купер КХДР ва Қатарга қарши ўйинлар учун терма жамоа таркибини эълон қилди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу йилнинг 6-17 октябр кунлари Тошкентда навбатдаги йигинни ўтказди. Мазкур йигин доирасида иккита ўртоқлик ўйини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 13 октябр куни Корея Халқ Демократик Республикаси ва 16 октябр куни Қатар миллий терма жамоаларига қарши баҳс олиб борди.

Миллий терма жамоамиз бош мураббийи Эктор Купер мазкур йигинга қуйидаги футболчиларни қақирган:

### Дарвозабонлар

Игнатий Нестеров (“Локомотив”)

Элдор Суёнов (“Пахтакор”)

Ботирали Эргашев (“Навбахор”)

Ўткир Юсупов (“Кўқон-1912”)

### Ҳимоячилар:

Егор Кримец (“Пахтакор”)

Анзур Исмоилов (“Локомотив”)

Шерзод Аъзамов (“Пахтакор”)

Достон Турсунов (“Нефтчи”)

Олег Зотеев (“Локомотив”)

Владимир Козак (“Пахтакор”)

Акмал Шораҳмедов (“Пахтакор”)

Даврон Ҳошимов (“Навбахор”)

### Ярим ҳимоячилар:

Одил Ҳамробеков (“Насаф”)

Азиз Ҳайдаров (“Бунёдкор”)

Жалолиддин Машарипов (“Пахтакор”)

Жавоҳир Сидиқов (“Кўқон-1912”)

Икром Алибоев (“Локомотив”)

Одил Аҳмедов (“Шанхай СИПГ”, Хитой)

Элдор Шомуродов (“Ростов”, Россия)

Отабек Шуқуров (“Шаржа”, БАА)

Достон Ҳамдамов (“Анжи”, Россия)

### Ҳужумчилар:

Иван Нагаев (“Қизилқум”)

Марат Бикмаев (“Локомотив”)

Хусниддин Ғофуров (“Локомотив”).

Мазкур йигинга Россиянинг “Крилья Советов” жамоаси ҳимоячиси Виталий Денисов ҳам қақирилган. Аммо жароҳати сабабли Денисов йигинда иштирок эта олмайдиган бўлди.

## Оксана Чусовитина

### жахон кубоги ғолиби бўлди

Оксана Чусовитина Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубогида барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медал соҳибига айланди.

3 октябр куни 43 ёшли спортчи Ўзбекистонга қайтиб келди. 2020 йилги Олимпия ўйинлари учун рейтинг очколари йиғишни бошлаб юборган Чусовитина мусобақа давомида ўзини қўллаб-қувватлаб турган барчага ўз миннатдорлигини билдириди.

“Барчаси ажойиб бўлди. Мухлисларимга раҳмат. Париж бизни яхши қутиб олди. Спорт залидаги муҳит эса ажойиб эди. Рақиблар? Мен рақибларга қараб ўтирмайман ва ўз ишимни тўғри бажаришга ҳаракат қиламан. Умид қиламанки, барчаси режа бўйича давом этади. Яна бир маротаба мени қўллаб-қувватлаб турганларга миннатдорлик билдираман”, — деди Оксана Чусовитина.

## Ўзбекистон таэквондо

### WTF ассоциациясига янги раҳбар сайланди

4 октябр куни Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциациясида навбатдан ташқари ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.

Кун тартибидан ўрин олган энг асосий масала ташкилотта янги раҳбар сайлаш эди. Ушбу лавозимга Аҳмадҷон Амидҷанович Раҳимов номзоди илгари сурилди. Йирилганлар кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашди ва якунда Аҳмадҷон Раҳимов Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциациясининг раиси этиб сайланди.

# Ҳаёт ҳақидаги қизиқарли

## 10 факт

### БАЪЗИ ҚАРАШЛАРИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРАДИ!

Ҳаёт ҳақидаги кўп қизиқарли фактлар эътиборсиз қолдирилади, чунки улар бизнинг яшаш тарзимизга сингиб кетган. Аммо вақт бўлганда уларни мушоҳада қилсак, ҳақиқатан қанчалик қизиқарли эканлигини тушунамиз. Уларнинг ичида билганларимиздан билмаганларимиз кўпроқ.

дир натижа бўлар эди (бу га ларнинг нотўғрилигини исботланг-чи).

#### 1. Уруш

Цивилизациянинг ўтган 3000 йилдан бор-йўғи 200 йилида тинчлик ҳукм сурган. Чунки уруш дунё бўйлаб шиддатли давом этган, биз мунтазам тарзда урушишга одатланиб қолган эдик. Тасаввур қилсангиз жуда хавотирли маълумот ва биз келажак учун буни ўзгартиришни ният қилишимиз керак.



#### 2. Кўзойнакнинг келиб чиқиши

Кўпчилик кўзойнакларни кўзларни кўёшдан ҳимоя қилиш учун кашф қилинган деб ўйлайди, тўғрими? Бироқ бу тасаввурингизни ҳақиқатига ўзгартирамиз. Хитойликлар биринчи кўзойнакни судялар учун яратган. Қора линзалар суд жараёни, ундаги тортишувлар давомида ҳакамнинг ҳиссиётларини беркитиш учун мўлжалланган эди. Қаранг, олисдаги кўзойнаклар бугунга қандай етиб келди.



#### 3. Чегараланган ранг

Биз кўп нарсада ўзимизни устун деб биламиз чунки — инсонмиз, бироқ ундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу ерда бошқа бир сабаб бор. Биласизми, товуклар биздан кўра қанча кўп рангларни кўра олади. Фактларда аслида камалакда миллионлаб турли ранглар борлиги аниқланган, бироқ биз улардан бир қанчасинигина кўра оламиз, холос. Энди ўзингизни қанчалик устун ҳис қилияпсиз?

#### 4. Фазога бориш ҳақиқатда узоқми?

Бирор киши автомобилга ўтириб, уни фазо томон бошқар-

ди ва двигателни ишга туширди, у бир соатда фазонинг ичида бўлади. Бу ҳазил эмас, атмосфералдан ташқарига чиқиш ҳақиқатда узоқ эмас. Бу баъзи одамларнинг иш жойларига борадиган масофадан ҳам қисқароқ.

#### 5. Фейсбук ёдгорлиги

Ҳаётда баъзи нарсалар фалати давом этади. Масалан, оламдан ўтган айрим кишилар Фейсбук рўйхатида ҳали ҳам бор. Тахминан ҳисобланганда, агар қарийб 100 йил шундай давом этса, у вафот этганлар

учун улкан рақамли ёдгорликка айланади. Ва у миллионлаб оила ва дўстлар томонидан қуршаб олинади. Бироқ бунинг яхши томони ҳам бор. Сиз хоҳлаган пайтингизда ўша кишига ёқимли номалар, шёрлар юборишингиз мумкин.

#### 6. Алифбе тартиби

Бир дақиқа ўйлаб ва мантиқан жавоб беришга ҳаракат қилинг-чи. Нима учун алифбе ўзига хос тартибда? Ҳақиқат шуки, алифбе тартиби мутлақо ҳеч нимани билдирмайди. Агар тартиб ўзгарганда унда қанақа-

#### 7. Боқийлик

Сиз бир йил ичида қанча одам ҳалок бўлишини билмасангиз керак, шундайми? Ҳа, рақамлар сизни ҳайратга солади. 12 ойнинг ичида 50 миллион атрофида одам вафот этади. Улардан бири кўчадан ўтаётган кимдир, ёқтирган бирор кишингиз ёки ...сиз бўлишингиз мумкин. Умрбоқийлик ҳеч кимга ваъда берилмаган.

#### 8. Фалати статистика

Бу гайриодатий, лекин қизиқ факт. Сиз балки лотерея ютишни хоҳламасиз. Фактларга қараганда, одамлар кўпроқ президент бўлишни хоҳлайди. Яъни, статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, лотерея ютиш бошқа нарсаларга қараганда имконсиз нарсага яқинроқдек кўринади.

#### 9. Фожиа

Биласизми, ҳар йили 2500 нафар чапақай “ўнг қўлли” одамлар учун мўлжалланган жиҳоз (асбоблардан фойдаланиш натижасида вафот этади).

#### 10. Пўст ташлаш

Йўқ, биз илон ёки бошқа судралиб юрувчилар эмасмиз, лекин биз ҳам теримизни ташлай оламиз. Инсон ҳаёти давомида тахминан 40 фунт (18 кг.) тери ҳужайраларини ташлайди ва ҳар ой янги тери унинг ўрнини қоплайди. Ташқи томондан сиз янги одам бўласиз.

Диллора ТҮЙЧИЕВА,  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

“Оламдан ўтган айрим кишилар Фейсбук рўйхатида ҳали ҳам бор. Тахминан ҳисобланганда, агар қарийб 100 йил шундай давом этса, у вафот этганлар учун улкан рақамли ёдгорликка айланади.”

<p><b>Xabar</b> МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Шуҳрат СОДИҚОВ (Хайъат раиси), Шуҳрат ҚОДИРОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нархда.</p>		<p>МАВЗИЛИМИЗ:</p> <p>100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>	
<p>Видеот муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганча Фарғонада Қаршида</p>		<p>226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99</p>	